O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2023 yil «24» март №ПФ–42

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–269-сон ҳамда 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–14-сон фармонлари ижросини ташкил этиш, шунингдек, хусусийлаштиришни жадаллаштириш, давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хусусий мулкнинг улушини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясини Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси деб қайта номлаш;

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказини Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази деб қайта номлаш;

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг таркибидаги ташкилотларнинг ташкилий ва марказий аппарати тузилмаларини бекор қилиш.



2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — KANSELYARIYA 1 — Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

QARAQALP... DEN S... KIRIS № 08/310 «03» 04 2023 j.

1/106 29 март

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ БАСЛЫҒЫ

**Н.Ерлепесовга**
**А.Отеулиевга**
**Д.Кайповга**
**А.Исмаиловга**
**Б.Сапаровга**
**А.Иматовга**
**Давлат активларини бошқариш агентлиги ҚР бошқармаси (М.Раджапов)га**
**Молия вазирлиги (М.Содиков)га**
**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Шамуратов)га**
**Кадастр агентлигининг ҚР бошқармаси (И.Тлеуов)га**
**Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Д.Жолдасов)га**
**Ўсимликлар карантини ва химоя агентлиги (А.Турдышев)га**
**Адлия вазирлиги (С.Мамбеткадыров)га**
**Вазирликлар ва идоралар раҳбарларига (рўйхат бўйича)**
**Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига**

Раҳбарлик ва ижро учун кабул қилинсин.

ЎзР Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПФ-42-сонли Фармонидан келиб чиқиб, ВКнинг тегишли Фармон ва қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф беришингизни сўрайман.

Бажарувчи: Х.Байжанов
К.Тлеумуратов
А.Уразимбетов
Назорат: А.Жолдасов

№ 1/106

**Ф.ЭРМАНОВ**
**29.03.2023й.**

7 Сарсен

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 24 мартдаги ПФ–42-сон Фармонига
илова

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–6096-сон Фармонида:

а) 9-банд ва 7-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 10-банддаги "Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича" сўзлари "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-илованинг изоҳ қисмида:

2-кичик банддаги "Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича" сўзлари "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича" сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги "Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида"ги ПФ–6167-сон Фармонида:

2-банднинг бешинчи хатбошисидаги "Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича" сўзлари "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича" сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг изоҳ қисми 3-бандидаги "Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича" сўзлари "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича" сўзлари билан алмаштирилсин;



2-илованинг изоҳ қисми саккизинчи хатбошисидаги "Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича" сўзлари "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича" сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг 7-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ–6207-сон Фармони билан тасдиқланган 2021 – 2023 йилларда акциялари фонд биржаси орқали оммавий жойлаштирилиши белгиланган корхоналар рўйхатининг изоҳ қисмидаги "давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси" сўзлари "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси" сўзлари билан алмаштирилсин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги "Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–6262-сон Фармонининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"3. Тугатиш комиссияси раиси:

"Ўзагрокимёҳимоя" АЖ ва ҳудудий "Агрокимёҳимоя" АЖлар дебитор ва кредитор қарздорликларини белгиланган тартибда хатловдан ўтказиб, кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширсин;

"Ўзагрокимёҳимоя" АЖ ва ҳудудий "Агрокимёҳимоя" АЖлар мол-мулклари ва асосий воситаларини хатловдан ўтказиб, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) ўтказиш ёки белгиланган тартибда сотиш чораларини кўрсин. Бунда, Агентликка бериладиган мол-мулкларнинг баҳоланган қийматига мос равишда ҳудудий "Агрокимёҳимоя" АЖларнинг бюджет, давлат мақсадли жамғармалари ва ажратилган бюджет ссудаси бўйича қарздорликлари ҳисобдан чиқарилади ҳамда ушбу мол-мулклар даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

мол-мулк ва техникалар талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриб борсин".

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 июлдаги "Баъзи республика комиссиялари ва кенгашлари таркиблари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги ПҚ–423-сон қарорида:



1-банднинг иккинчи хатбошисидаги "давлат мулкини сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссияси" сўзлари "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси" сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илованинг номланишидаги "Давлат мулкини сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси" сўзлари "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси" сўзлари билан алмаштирилсин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ–2200-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини соддалаштиришга қаратилган меъёр ва тадбирларнинг 3-бандидаги "Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича" сўзлари "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича" сўзлари билан алмаштирилсин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисида низомнинг 11-банди ўттиз биринчи хатбошисидан "ҳамда давлат улушидан дивидендларнинг бюджетга ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун пеня ва жарималар" сўзлари чиқариб ташлансин.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ–4112-сон қарорида:

а) 1-банд, 1 ва 2-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи–тўққизинчи хатбошилар тегишинча биринчи–саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

биринчи хатбошидаги "Агентлик" сўзи "Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)" сўзлари билан алмаштирилсин.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4300-сон қарорида:



а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"3. Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига хўжалик жамиятлари давлат акциялари (улушлари) пакетларини хорижий инвесторларга сотиш шартлари ва усулларига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин";

б) 1-илова изоҳ қисмининг олтинчи, еттинчи ва тўққизинчи хатбошиларидаги "Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича" сўзлари тегишинча "Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича" сўзлари билан алмаштирилсин.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 июлдаги "Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4771-сон қарорида:

а) 1-банддаги "Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказини" сўзлари "Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказини" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"давлат мулки бўлган бўш турган нотурар бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини (кейинги ўринларда – бўш турган давлат мулки объектлари) аниқлаш ва ҳисобини юритиш";

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошидан "давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва" сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"3. Марказ ва ҳудудий бошқармалар ходимларига, тўлов манбаларидан қатъи назар Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари учун қонунчилик ҳужжатларида ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади";

г) 5-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

QORAQALPOG’ISTON
RESPUBLIKASI SOG’LIQNI
SAQLASH VAZIRLIGI

QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI DEN SAWLIQTI
SAQLAW MINISTRLIGI

230105, Nukus shaxri, I.Karimov k., 152-uy
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk @minzdrav.uz

230105, No’kis qalası, I.Karimov k., 152-jay
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk @minzdrav.uz

2023 yil “07” 04
№ 04/2287

**Барча даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларига**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2023 йил 29 мартдаги 1/106-сон хатида Ўзбекистон Республикаси Президантининг 2023 йил 24 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшмча киритиш тўғрисида”ги ПФ-42-сон Фармони маълумот учун қабул қилинсин. Мазкур Фармондан келиб чиқиб, Вазирлар Кенгашининг тегишли Фармон ва қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф беришингизни сўраймиз.

Илова____варақ

**Вазир ўринбосари:** **Т.Сарбаев**